

## Аллоҳнинг раҳматига лойиқ бўлишда муҳим тавсия



12:00 / 16.01.2023 2226

Яҳё ибн Холид Бармакий халифа Ҳорун ар-Рашидга вазир эди. У олимлардан Суфён ибн Уяйна роҳимахуллоҳга илм бериши ҳамда суннатни тарқатишидан чалғимаслиги учун ҳар ой минг дирҳам юборар эди. Суфён уни саждада дуо қилар эди:

«Аллоҳим! Яҳё менинг дунёимга кифоя қилди. Сен унинг охиратига кифоя қилгин!»

Яҳё вафот қилгач, дўстларидан бири уни тушида кўриб сўради:

- Эй Яҳё! Аллоҳ сенга қандай муомала қилди?

Яҳё деди:

- Аллоҳ мени Суфённинг дуоси сабаб мағфират қилди!

Эҳтимол сизнинг ҳам нажотингизга кўнглини олган, кўз ёшларини артган, ғамини аритган, қайғусида ҳамдард бўлган кишингизнинг дуоси сабаб

бўлар!

Жаннатга киришингизга эҳтимол қайсидир беморга ҳар ой сотиб олиб бераётган бир неча қути дорингиз, етимларга берадиган пулингиз, талабаларга тақдим қилаётган маблағингиз боис бўлар!

Аллоҳнинг раҳматига лойиқ бўлишда кўнгил олишдан кўра яхшироқ сабаб йўқ!

Кўнгил олинг, раҳматга ноил бўлинг!

**Абдулқодир Полвонов**